



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2017-yil 2-iyun №23 (4422)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги илғор тажрибалар асосида замонавий маданият ва санъат муассасалари барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига давлатимиз томонидан устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Аҳоли, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, маданият ва санъат соҳасини бошқаришда эскича усуллар сақланиб қолаётгани, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича комплекс ёндашувнинг етишмаслиги, маданият муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишда оқсоқликка йўл қўйлаётгани, аксарият жойларда маданият ва санъат масканларининг моддий-

техник базаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини қайд этиш зарур. Айниқса, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда мавжуд талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олмаслик, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, бу йўналишдаги устувор вазифаларни тўлиқ бажариш имконини бермапти.

Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг ҳаёtimиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш авлодимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртва меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017—2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган қуйидаги вазифалар ижро учун қабул қилинсин:

фаолиятини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш. Жумладан, музейлар ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Моддий маданий мерос ва археология объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш;

маданият ва санъат муассасалари, театрлар, музейлар, бадий жамоалар, маданият ва аҳоли дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари фаолияти, моддий-техник базаси ҳолатини атрофича ўрганиш, уларни таъмирлаш ва зарур жиҳозлар, музика асбоблари билан таъминлаш, самарали ижодий фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш. Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, маданият ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган таниқли санъаткорлар, жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш;

Давоми иккинчи саҳифада.

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маърифий ҳаётида улкан воқеадир.

Ушбу қарор жамиятимизнинг маънавий юксалиши йўлидаги улкан қадам бўлиб, ота-боболар меросини чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаш, ёзув ёдгорликларига таъниб, илмий иш яратиб олишга етук мутахассислар етиштиришга қаратилган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, мутахассис-олимларимиз олдида бир қанча муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифалар турибди. Назаримизда, бу муҳим ишлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбек фани, шарқшунослиги олдида турган биринчи ва пайсалга солиб бўлмас иш, бу — ўтмишдан қолган қўлёзма манбаларни сақлаш, уларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодга бус-бутун етказишдир.

Мамлакатимиз қўлёзма фондларида минглаб қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий ҳужжатлар сақланмоқда. Қўлёзма манбаларни ўқиб-ўрганишни бироз кечиктириш мумкин-дир. Лекин уларни асрашга бепарво қараб бўлмайди. Чунки бу мерос фақат бизники эмас, у биздан кейингиларга ҳам тегишли, ундан келажак авлод ҳам баҳраманд бўлмоғи керак.

Ўтмиш ёзма мероси орасида йирик қўлёзма китобларгина эмас, қўлёзма манбанинг кичик узиндиси сақланган бўлса ҳам қадри. Оригинал манба ҳар нарсадан устун туради.

Ёзма ёдгорликларни сақлаш тўғрисида сўз кетганда тарихий обидалар, археологик ёдгорликлар, эпиграфик матнларни ҳам унутмаслигимиз лозим. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўрта асрлардан қолган ёзувли қабртошлар, кўҳна саройларнинг девор ва пештоқларидаги битиглар, қояларга туширилган эски чизмалар бор.

Муносабат

Оталар меросига эътибор, қўлёзма-ларга бўлган ҳурмат уларни асраб-авайлашдан бошланади.

Ўтмиш ёзма мероси орасида йирик қўлёзма китобларгина эмас, қўлёзма манбанинг кичик узиндиси сақланган бўлса ҳам қадри. Оригинал манба ҳар нарсадан устун туради.

Ёзма ёдгорликларни сақлаш тўғрисида сўз кетганда тарихий обидалар, археологик ёдгорликлар, эпиграфик матнларни ҳам унутмаслигимиз лозим. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўрта асрлардан қолган ёзувли қабртошлар, кўҳна саройларнинг девор ва пештоқларидаги битиглар, қояларга туширилган эски чизмалар бор.

Давоми тўртинчи саҳифада.

Навоийнинг сўз гавҳари

Улуғлардин насиб истар эсанг касби камол эттил,
Нединким, анбиёга илмлиқ инсон эрур ворис.

АМАЛИЙ ТАШРИФЛАР САМАРАСИ

Давлат раҳбарларининг мамлакат ҳудудлари ёхуд чет элларга сафари ҳамиша кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлади. Бу бежиз эмас. Сафарлар мобайнида кўриб чиқиладиган лойиҳалар, имзоланадиган ҳужжатлар нафақат ўша минтақа равақи учун, шу билан бирга, бошқа мамлакатлар тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга молик жараёнларга таъсир кўрсатиши дунё тажрибасидан маълум. Шу маънода Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташрифи, 19-20 май кунлари амалий ташриф билан Туркменистонда бўлиши ва 21 май кунли Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида иштирок этиши бугуннинг энг муҳим воқеалари сифатида тилга олинмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Сардоба сув омбори қурилиши билан танишди. 2010 йилда Жанубий Мирзачўл каналининг тармоғи ўтган ҳудудда бунёд этила бошланган мазкур сув омборида 922 миллион куб метр сув тўпланади. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қурилаётган мазкур гидротанқит Мирзачўлдаги унумдор ерлар ҳосилдорлигини ошириш имконини беради. Натижада фермер ҳўжаликлари ривожланади, одамлар такрорий экин экиб, қўшимча даромад топади. Хитой билан ҳамкорликда сув омбори ёнида 15 мегаваттлик кичик гидроэлектростанция ҳам қурилади.

Буни қарангки, юртимизда одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаш муҳити барқарор бўлиб бораётгани сари ҳар бир манзилда бекиёс имкониятлар юз очаетир. Эндиликда сув омбори атрофида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан дам олиш зонаси ҳам ташкил этилади. Шу ташриф мобайнида тақдироти ўтказилган, муҳокама қилинган истиқболли лойиҳаларнинг ҳар бирида эл-юрт манфаати ўзининг ёрқин ифодасини топганига ишонч ҳосил қиласиз. Ёшлар учун энг замонавий иш ўринлари яратишдан тортиб, одамларнинг яшаш ва дам олиш шароитларига қадар пухта ўйланган, аниқ ҳисоб-китобларга таянган лойиҳаларнинг барчасида мамлакатни янада равақ топтириш йўлидаги жонқуярлик намоён бўлиб турибди. Гулистондаги “Намуна” МФЙга ташриф, маҳалла раиси ва фаоллари, нуруний отахонлар билан мулоқотлар ҳам барчада алоҳида кизиқиш уйғотди. Гулистон шаҳри бош режаси тақдиротида Президентимиз иншоотларнинг ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Китоб дўкони олдида сўлим

хиёбон барпо этиш ҳамда буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳайкалини ўрнатиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Туркменистонда ўтган амалий ташрифи ҳам муҳим воқеаларга бой бўлди. Мустақиллик йилларида ҳар икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланмоқда. Туркманбоши шаҳридаги учрашув ва музокаралар Президентимизнинг шу йил 6-7 март кунлари Туркменистонда давлат ташрифи доирасида ўтган олий даражадаги мулоқотнинг мантиқий давоми бўлди. Ташрифнинг биринчи кунли Шавкат Мирзиёев «Камал» болалар кўнгилчор боғида дам олаётган ўзбекистонлик болалар билан учрашди. Давлатимиз раҳбари улар билан суҳбатлашиб, бу ерда яратилган шароитлар билан қизиқди, болаларга соғвалар берди. Ташрифнинг иккинчи кунли “Аваза” конгресслар марказидаги Президентлар учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, мазкур ташриф ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосидаги шерикликни юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди. Мамлакатимиз Туркменистон портлари орқали халқаро транспорт йўлақларига чиқишни мақсад қилган. Ҳар икки давлатнинг қўшни Афғонистонда фақат сиёсий йўл билан барқарорлик ўрнатишга доир фикрлари муштарак. Терроризм, экстремизм, наркотрафик ва минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича ҳам фикр алмашилди.

Давоми иккинчи саҳифада.

6 июн — Александр ПУШКИН таваллуд топган кун

МУҚАДДАС МҲИҲЛАР



Бизни азал-азал айлаган сеҳр,
Юрак озикланганг шулардан фақат:
Момо ўчоқларга нисбатан меҳр,
Бобо мазорларга бўлган муҳаббат.

Инсон — шу муқаддас туйғуларга тан,
Уларсиз замин ҳам бўшаб қолади.
Уларсиз беқадр бўларди Ватан,
Худосиз меҳробга ўшаб қолади.

Кувғин кунларимда, гариб туларда
Курьонни қироат айлардим такор.
Юпанч фаринтаси учиб келдию
Қўлимга тутқазди ногоҳ бир тумор.

Ўлмас оятларнинг зўр қудратидан
Қалбимда умидлар илдиэ ёрарди.
Ундаги муқаддас калималарни
Илоҳий, нузли қўл ёзиб борарди.



Давоми иккинчи саҳифада.

РОМАН МУҲОКАМАСИ

Ёзувчилар уюшмаси Бадий наср кенгашининг навбатдаги йиғилишида ёш ижодкор Жумагул Холмирзаеванинг тарихий мавзудаги “Буюк Кушон салтанати” романи муҳокама қилинди. Кенгаш аъзолари, ёзувчилар, адабиётшунослар иштирок этган тадбирни кенгаш раиси Абдуқоим Йўлдошев очиб, ёш ижодкорларнинг янги асарлари уюшманинг ижодий кенгашлари томонидан ҳолис назар билан кўриб чиқилиб, муҳокамадан ўтганлари “Биринчи китобим” лойиҳасида “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида нашр этилаётгани ҳақида сўзлади.

Адабиётшунослар Маҳкам Маҳмудов, Қозоқбой Йўлдошев, ёзувчилар Тўлқин Хайит, Рисолат Хайдарова ва бошқа ижодкорлар муаллиф томонидан мавзуга оид тарихий манбаларнинг пухта ўрганилгани, бироқ асар сюжети қурилиши, воқеалар ривожини, образлар тасвирида камчиликларга йўл қўйилгани, асар тили, воқеалар тасвирланаётган даврга хос унсурлар — ўша давр этнографияси, урф-одатлари ва удумларига ҳам эътибор қаратилиши зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳокамада муаллифга асарни қайта кўриб чиқиш таклиф этилди.

Ўз мухбиримиз

МАҲОРАТ ДАРСИ

Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним шеърият” тўғрагида таниқли шоир ва таржимон Абдулла Шер билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

“Кўклам табассуми”, “Алёр”, “Атиргул сояси” сингари ўндан ортик шеърий тўпламлар муаллифи, Байроннинг “Дон Жуан” шеърий романи, Х.Ҳайненинг “Олмония” достони ва “Кўшиқлар китоби”, А.Пушкин, Н.Некрасов, А.Ахматова асарларини аслиятдан она тилимизга маҳорат билан ўгирган шоирнинг шеърият ва бадий таржиманинг нозик сирлари, тажрибалари ҳақидаги самимий гурунги адабиёт оstonасига қадам қўётган ёшлар учун маҳорат дарси бўлди.

Адабиётшунос олим А.Алимбеков, Бекобод туманидаги “Илҳом” ёш ижодкорлар тўғраги раҳбари Н.Жалил, Ёзувчилар уюшмаси адабий маслаҳатчиси Ф.Худойкулова ва бошқа ижодкорлар Абдулла Шернинг шеърият, бадий таржимадаги самарали фаолияти ҳақида гапирдилар. Шоир яқинда Германия Федератив Республикасига қилган ижодий сафари таассуротлари, айна пайтда адабиётга қаратилган эътибор, халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб, янги шеърларидан ўқиди.

Ахборот хизмати

“ДЕВОНУ ЛУФАТИ-Т-ТУРК”

“Девону лугати-т-турк” асари туркий тилшуносликнинг бизга маълум бўлган ilk йирик, шу билан бирга, тенги йўқ улуг ёдгорлигидир. Ҳозир замонида асар арабларга, қолаверса, араб тили орқали Шарқу Фарб халқларига қадимги туркларнинг тили, маданияти, тарихи тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи қомусий китоб сифатида яратилган.

Маҳмуд Кошгарий туркий луғатчиликка, туркий тилларнинг фонетикаси ва илмий грамматикасига асос солди, лингвистиканинг семасиология ва қиёсий типология соҳаларини бошлаб берди. “Девону лугати-т-турк” ўзбек илмидагина эмас, дунё туркшунослигида ҳам кенг эътироф этилган. Тан олмоқ керак, Солих Муталлибов таржимаси икки-уч авлод олимларига илмий манба бўлиб хизмат қилиб келди. Ҳозир ҳам ушбу нашрнинг мавқеи юқори. Бироқ китоб ўша чиққанча қайта чоп этилмади. Асарга бўлган талаб, туркшуносликнинг янги ютуқларини инобатга олган ҳолда асарни қайта нашр этиш эҳтиёжи аллақачон туғилган эди. Фафур Фулом номидаги НМИУ чоп этган “Девон”нинг ушбу янги нашири ана шу зарурат тақозосидир.

“Девону лугати-т-турк”нинг мазкур нашрини атоқли туркийшунос олим Қосимжон Содиков нашрга тайёрлаган. (Профессор Боқижон Тўхлиевнинг бу ўлмас маданий обида ҳақидаги мақоласини ҳафталигимизнинг кейинги сонларида ўқийсиз.)

Ойгул СУЮНДИКОВА

СОҒУНИБ КЕЛАМАН



1957 йилда туғилган. Москвадаги Адабиёт институтини тугатган. «Уфқлар ёнганда», «Умр куйлари», «Эътиқод», «Мен туғилган юрт» сингари қатор шеърӣ тўпламлари нашр этилган. Моҳир таржимон сифатида Александр Блок, Марина Цветаева, Николай Гумилёв сингари жаҳон адабиёти намояндalари шеърларини ўзбек тилига ўйрган.

МУАЛЛИМА ДАФТАРИ

Йўлим тушди яна узоқдан — узоқ,
Қишлоқ ўртасида мактаб бор кўркак.
Унда ҳаёт ҳамон бардавом, қайноқ,
Ёдимга солишар йилларим хуррам.
Йўл бўйи дараклар тиклар менга,
Оқариб кўринар мактаб ва дала.
Энг ёруғ орзулар тиладим сенга,
Қишлоқ мактабида ўқиган болам!
Кўз нури тўқилар изма-из азиз
Ўқувчилар ёзган иншолаб узра.
Гоҳо шеър келади, тиниклашар ҳис
Қалбимга урилган салолар узра.
Ғазаллар ўқийман тиниқ ва майин
Жаранги сочади ойналарга зар.
Шеър сеҳрига тортиб боргани сари
Тилга кирар ҳатто узун деворлар...
Кўрсам ҳар бир бола кўзини чақноқ,
Ҳар битта юракка нур олиб кирсам.
Тингласа ҳар бири дунёни чанқоқ,
Еру осмон аро суҳбатлар курса...
Мен сени соғиниб келамак, мактаб,
Шу китоб, шу дафтар, қалам бебаҳо!
Ўйларимдан улкан, улкансан, матлаб,
Сендан миннатдорман, тутанмас зиё!

ВОЛИДАМ

Шеър ёзмаган менинг онам ҳам,
Лек қўлидан тушмаган китоб.
Суюнади беҳад суҳбидам
Кириб келса ҳовлига офтоб.
Кумушланди толим сочлари,
Тугамайди йиллар саволи.
Сарин еллар бамисли пари,
Мунисамнинг узун хаёли...
Отам эккан олма дарахти
Соясиди шинам кенг сўри.
Дуолари — беадад бахтим,
Гул чехраси нурлидан нурли.
Соғинчидан сув ичганмикан
Олис йўллар, Пангат тоғлари.
Тушларида сой кечганмикан
Хушбўйлиниб кетса боғлари.
Эрта туриб, энг аввал эшик,
Дарвозани кўяди очиб.
Айтишчи, келар экан रिққ
Ҳаволарда мушк-анбар сочиб.
Ҳовли чинни, тоза йўлақлар,
Бўйлаб гулу райҳонлар масрур.
Тебранади оқини терақлар.
Баргларида сирғалганда нур.
Кўшиқлари сел бўлиб тинглаб,
Дерди: “Осмон тўла сеҳрлар...”
Шудринларга аста кўйган лаб
Каби балки тўқиган шеърлар...
Фақат уни кўчирмаган ҳеч
Тонг сингари оппоқ қоғозга.
Ўқиб берган эҳтимол ҳар кеч
Қорли қишлар, баҳор, куз, ёзга...
Чунки менга йўллаган салом,
Мактублари хонишдай эди.

Холиёр САФАРОВ



1983 йилда туғилган. 2005 йилда Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факултетини тамомлаган. “Ой ботмаган кечалар”, “Қанотсиз қушлар” сингари қисса ва ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. Ёш истеъдодли ёзувчининг асарлари ҳаётийлиги, самимий ва соддалиги билан ажралиб туради.

МУҲАББАТ ЧОЙЧИ

Кичик ҳикоя

У гўзал қиз эди. Ошиқлари-да кўп эди. Ҳар икки куннинг бирида уйига совчилар келишар, ўглининг ақл-хушини ўйирлаган қизнинг жамолини бир кўриш илинжида бўлишарди. Бироқ қиз совчиларга ҳеч кўриниш бермас, онаси қанча қистовга олмасин, уларнинг олдига чой олиб кирмасди. Шундай пайтларда она уни койирди.
— Бу туришигда ҳадемай уйда ўтириб қолсан. Бир чойнак чой дамлаб бериш шунча кийинми? Ахир, сени кўраман деб неча марта келишди-а?
— Йўқ! — рад этарди қиз. — Қандай келишган бўлса, шундай қайтиб кетаверишсин. Мен чақирганим йўқ!
Икки йилдан бери шу аҳвол. Қизи ўқишни битирди, ишга кирди, аммо ўзгармади. Бирор марта совчиларнинг олдига чой кўтариб кирмади. Она хайрон. Баъзан ўзича «Бунинг бир дарди бор-ов», деб кўяди. Қизи тушмагур эса хотиржам...
Айни баҳор вақтида қўшни маҳалладан совчи келди. Йигит яқинда ҳарбийдан қайтган экан. Она совчиларни меҳмонхонага ўтказиб, мақсадларини билгач, кўнглидаги оила эканидан қувониб, «Ишқилиб, қизим бу сафар пайсалга солмасин-да», деб чиқса, ясан-тусан қилиб олган қизи ошхонада чой дамлаб, чойнак-пиёла, сочик, ширинликлар тўла патнисни тайёрлаб турибди.
Она қизининг бу тарадудини кўрди-ю хайрон бўлди. Қувонишни ҳам, қувонмасликни ҳам билмай қолди.
— Чой олиб кирайми, ойижон? — сўради қиз.
Она қизининг ёниб турган кўзларига тикилиб барчасини тушунди-да, мамнун жилмайиб кўйди.

Шеърларини ўқидим, болам,

Деганлари ёнишдай эди.
Юрагимда гуриллар гулхан,
Беқисди мукаммал олам.
Ҳар тонг қўкка боқаман ўйчан,
Шеър ёзмаган менинг онам ҳам...

ОЙДИНДИК

Тун. Қалбимга соқиллик ёқар,
Жим кезинар шамоллар бедор.
Ой нурлари сойларда оқар,
Хотиралар каби беозор...
Кўтарила бошлайди туннинг
Қалин-қалин дарпардалари.
Сялай бошлар еллар заминнинг
Музлаб қолган яраларини...
Тун бағрини тарк этмас сира
Юлдузлардан шула кўчади.
Айланади олис хотира,
Уминг бўйи бирга учди.
Кўзларингда, қалбимда ёна
Узун йиллар кўшиқ айтлади,
Қайтиб келар сен билан яна
Хотиралар тонгни куттали...

Нодира БУРҲОНОВА

КЕТДИНГ, БАҲОР...

Шудринг товланади мисоли олмос,
Бахтиёр қизларинг лаблари гулос.
Қирлар бешигида чайқалар лола,
Бор хуснини шамолга қилиб ҳавола.
Не бахти, хуснингдан кўнглим тўлганда,
Кетдинг, сен баҳорим, бахтим қулганда.
Энди кушлар билан диллашиб ҳар кеч,
Сендан дил узолмам, кечолмасман ҳеч.
Очиб бердинг бизга ёз эшигини,
Давом эттиргини деб бахт кўшигини.

БАХТИМ КЎШИҒИ

ОНА

Қалбга туғён солган меҳрингдир сенинг,
Дунёни уйотган сеҳрингдир сенинг.
Сен борки, келажак йўлларим раvon,
Сен борки, юртимда ҳаёт фаровон.
Дилларни дилларга боғлагувчисан,
Фақат юксакларга чоғлагувчисан.
Тиззанга бош қўйсам, қўқ қадар ўсдим,
Сен ўзинг Ватаним, сен ўзинг дўстим.

ВАТАН

Бобомнинг ҳикматли сўзисан, Ватан,
Меҳр булоғининг кўзисан, Ватан.
Тақдиримда сара бахтимсан, Ватан,
Яхшиларимдан-да яхшимсан, Ватан.

1999 йили Навоий вилоятида туғилган.
Ушқудуқ уй-экой коммунал қурилиш касб-хунар коллежи ўқувчиси.

Ёшлар овози

Ҳалим КАРИМ

КАМОЛИҲТ ЖИЛАБ



1960 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) филология факултетини тамомлаган. “Мана, мен борман”, “Юрак билан сўзлашув” номли шеърлар, “Туйғулар талқини”, “Андижондан эсган саболар”, “Тарихий шахс ва бадиий образ” номли адабий-танқидий мақолалар тўпламлари нашр этилган.

ИЗҲОР

Меҳрим изҳорини айтгани қандай,
Мадҳинга муносиб ҳеч сўз бормикан?
Азиз, муқаррамсан талдаги жондай,
Онажоним Ватан, жонажон Ватан.

Вужудим оғритар худди тиг каби,
Сенга озор берса бир хор, ё тикан.
Ҳиллаб тургайсан дилда туғ каби,
Онажоним Ватан, жонажон Ватан.

Онам ўтганида пешонам силаб,
Отам кетганида бўлдинг жону тан.
Қарзим кўп, яшайман камолнинг тилаб,
Онажоним Ватан, жонажон Ватан.

ИЛК СЕВГИ

Бу кўнгли ҳаловат истайди бирам,
Ҳануз ўз ҳолига уни қўймайсан.
Сочларимга ахир оқлар инса ҳам,
Нечун тарк этмайсан, нечук қийнайсан?


Бу кўнгли ҳаловат истайди бирам,
Кўй энди ситамни, кўйил мендан кеч.
Эй, менинг саргайган япроқ — хотирам,
Нечун бедор тунни қиладирансан эш?

Умидин узилган сўнгги дарақдан
Армонлар дилмида бўлиш қатма-қат.
Висолдан умидин узган юракдан
Қайга юлиб ташлай сени, муҳаббат?

МОМАҚАЛДИРОҚ

Момакалдироқ — инграгани она заминнинг,
Маҳобати минг бир таърифдан узоқ.
Унсиз инпроқлардан безган кўнглининг
Маҳзун торларига солади титроқ.

Асаблари таранг нотинч дунёнинг
Кўкрагидан чиққан оғрик салоси.
Боласин чўчишиб кўйишдан қўрққан
Она Ернинг қўкка кўчган нидоси.



Шеърятимиз деҳқони Миртемир домла, таниқли адиблар Носир Фозилов, Туроб Тўла ва Муҳаммад Али. Утган асрнинг саксонинчи йиллари бошида туширилган ушбу сурат таниқли журналист Содиқ Маҳмамов бисотидан олинди.

Мангу лаҳза

Ниманидир, кимнидир қаттиқ соғинсанг, кутсанг, беҳос эшигиндан кириб келиши, сени чексиз қувонтириши бор гап. Эҳтимол, халқимиз “халқ” сўзи баланд минбарларда юракдан, меҳр билан айтилаётган ушбу кунларни астойдил кутгани учун инсон қадри юксалган, юксалаётган бу бебаҳо давр ҳаётиимизга таширф буюргандир.

Ун тўққизинчи асрда яшаб ижод қилган маърифатпарвар, ҳақиқатпарвар, халқчил шоира Жаҳон отин Увайсийнинг муқаррам исмини яхшилар тилида айтаётгани ҳам, балки шу билан боғлиқдир. Ахир, Ватани, элининг фаровонлигини ширчалик юракдан истайдиган яна ким бор?!

Мен беҳиз Жаҳон отин Увайсийдан сўз очмадим. Ўйлаб қарасам, тақдир йўлларим қайта-қайта шу шоирага туташаверар экан. Мен шоиранинг неваралари Биби Хадичанинг қизи Холжон биби келин бўлиб тушган Марҳамат туманида туғилганман. Болалигимнинг излари қолган маҳалламнинг номи ҳам Увайсий эди. Ўқувчилигимизда мактабимизда турли саналар муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар учун шеър танланганда, мен:

— Увайсийдан ўқийман, — десам тенгдошларим ажабланишарди.
— Ғазалнинг сўзлари кийин-ку, қандай тушунсан? — дейишарди.

Тўғри, ўзим ҳам ўша пайтда шоира ғазалларини тўб моҳияти билан англаганман, деб айта олмаيمان. Лекин мактаб минбариди туриб:

Ки бўлбул нола, афгон айламакни мадин ўрганди,
Вужудин шамъи сўзон айламакни мадин ўрганди —
дея бор маҳоратимни ишга солиб ўқир эканман, ўзимни товушларининг кумуш жарангига қўшилиб бораётгандек сезардим. Кўз олдими қизил, пушти гуллаган боғларда оёқлари ерга тегиб-тегмай, нур аралаш, гул аралаш учиб кетаётган аёл келарди.

Орзулар изидан юриб Тошкентга келганимиздан сўнг ҳам доимий яшаш жойимиз пойтахтнинг Юнусобод туманига қарашли Увайсий маҳалласида бўлди.

Кўпчилиكنинг хабари бор, яқинда маҳалламизга мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев таширф буюрдилар,

кўпчиликда ҳавас уйотган нонвойхона, гўзаллик саломи, спорт майдончаси, кутубхоналарни кўриб, ўз хаёлларининг ҳақиқатга айланаётганидан қувонган маҳалламиз аҳли билан бирга кўнглим тўлди. Шу қувонч бошида яна Увайсийдан сўз очилди:
— Марғилондаги шоира дунёга келган, у зотининг номига қўйилган маҳалла билан борди-келди қилинлар. Бир-бирларингдан яхши аъёналарни ўрганиб, бир-бир-

дирабегимнинг Увайсийга назари тушиб, уни саройга олиб кетгач ҳам у отинбиллигини давом эттиради. Нодирабегим саройда ташкил этган мушоираларда Увайсий юксак мавқега эга бўлганини тарихчилар ёзиб қолдирган. Хаминқадар ҳаёт кечирган, икки фарзанднинг онаси бўлган аёлини малика тўрға чиқаргани боиси шеърятни, ақлу закоси, устозлик истеъдодиди. Нодирабегим ўзи истеъдодли шоира, “Муҳаббатсиз киши

УВАЙСИЙ КЎШТАН МОҲТЛАР



ларингга ўргатинлар, — дея халқимизга хос бўлган ибратли муносабатларга ижтимоий тус берди. Бу билан бу муносабатларни улканлаштирди.
Уша унутилмас кундан буён яна Увайсий ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолдим. Халқ қадри кўтарилгани, кўтарилаётгани учун халқчил инсонлар, шу жумладан, халқчил шоирларнинг ҳам қадри юксалмоқда.
Жаҳон отин Увайсийнинг эса одамлар дарди, эл ҳасрати билан яшаб, ижод қилгани унинг барча ёзган асарлари тасдиқлайди: “Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман”, “Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ оғаш”...

Ўзи яшаган замон аҳли ҳаётдан оғоҳлик Увайсий ижодининг асосий гоёсини ташкил этади. Шоира “Мен оғоҳман, мен гофил эмасман”, деган фикр замирига “Сен ҳам оғоҳ бўл, сен ҳам гофил бўлма”, деган инсониятга энг керакли ундовни, энг зарур давъатни сингдиради. Бу давъат баъзан ошиқ-маъшуқлик, муҳаббат мोजароларига сингдирилса, баъзан ошкор тарзда намоён бўлади: “Увайсий, мард ўл, бедор, ғафлатда заиф ўлма...”

Жаҳон отин фақат ижодда эмас, ҳаётда ҳам ўз қарашларини ҳаётга татбиқ этишда ниҳоятда фаол бўлган. Унинг онаси Чинчибиби саводли аёл эди. Маҳалла қизларининг хат-саводини чиқариш мақсадида мактабдорлик қиларди. Жаҳон отиннинг муаллимлиги, устозлиги ўз оиласидан бошланди. Кейинчалик Кўкон хони Амир Умархоннинг раффикиси шоира Но-

одам эмасдур, Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт”, деган қуйма сатрлар эгаси бўла туриб, Увайсийнинг қобилиятини тўғри баҳолашга имкон эмасди. У шоиранинг:

Азалда илқ дарсидин сабоқ олгон эди руҳим,
Анинг-чун орудур бу кўзум ҳуснинг китобига —
каби гўзал мисраларига мафтун бўлмаслиги мумкин эмас эди.

Увайсий ўз ижодида нафақат шоира, муаллима, сифатида эмас, балки меҳрибон она сифатида ҳам намоён бўлади. Тарихдан маълумки, унинг Муҳаммадхон исми ўгли, Кўёшхон исми қизи бўлган. Ҳар икковининг ҳам таъби назми бўлиб, ўгли “Мажнун”, қизи “Хоний” тахаллуси билан шеърлар ёзган. Кўкон хони Амир Умархон вафот этиб, тахтга унинг ўгли Муҳаммадалихон ўтиргач Жаҳон отиннинг ўгли Муҳаммадхонни Кўконга сарбоз(аввал у хоннинг шахсий хизматида бўлади)-ликка олиб кетади. Шоиранинг ёшигина ўгли хоннинг ер, тожу тахт учун қилган жангларда иштирок этади. Уруш! Қайси аёл титрамайди бу сўзни эшитганда?! Қайси она безовта бўлмайди? Фарзанди, жамики фарзандларга Оллоҳдан омонлик сўрамайдами?! Увайсийнинг:

Бугун, эй дўстлар, фарзанди жониямин соғиндим,
Ғадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим —
байти билан бошланувчи ғазали ўша талотўп замондаги урушда юрган дилбанди соғинчидан туғилган оналар фарёдига ўхшайди. Шукрки, бизнинг юртимиз тинч. Осийишта кунларда ободлик мақсадига туташ юрак билан меҳнатда-миш, шукронадамиш. Лекин дунё чатайлиб турибди. Хануз қаерлардидир болаларнинг жони халарда, оналар фарёд чекмоқда. Шундай экан, Увайсийнинг соғинчи яшаётир, оналар овозини жамлаб, курашаётир.

Увайсийнинг соғинчи яшаётир, оналар овозини жамлаб, курашаётир.

Увайсийнинг соғинчи яшаётир, оналар овозини жамлаб, курашаётир.

Адиб ва жамият

Мунаввара УСМОНОВА, шоира

Раъно ЯРАШЕВА:

НОДИРА ҲАР СЎЗКИ ИНШО АЙЛАДИ...

Дунёда мислсиз жасорат кўрсатган аёллар кўп бўлган. Инквизиция Жанна д. Арки гулханда ёқди. Ҳинд халқининг нуктадон сибсатчиси ва адолатпарвар дилбанди Индира Ганди хонимнинг ҳаётига террорчиларнинг маҳфий ҳужуми яқун ясади. Инглизларнинг жасур маликаси Мария Стюартнинг ўлимига ҳукми этганларида дастуромлида кўзларини боғлаб, бир томчи ёш тўкмасдан жаллодга пешвоз чиққан экан. Нодирабегим жасорати... Ўзбек маликаси сибсату адолатдаги шўхрати учунгина эмас, маърифатпарварлиги тўғрисида ҳақолат кўрбони бўлди. "Нодира ҳар сўзки иншо айлади, Айди анга аҳли даврон, мархабо". Нодира ижоди ва жасорати олдиди ҳаммиша таъзимдамиз.

Шу кунга қадар Нодирабегим сиймосини саҳна ва экранга олиб чиқишда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Улар орасида 1999 йили "Ўзбектеелефильм" студияси томонидан суратга олинган "Жаҳон Отин Увайсий" видеофильми ҳам бор. Таниқли актриса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева билан суҳбатимиз "Жаҳон Отин Увайсий" видеофильмидаги Моҳларойим образи талқини ҳақида бўлди.

— Раъно опа, Нодирабегим образини шу вақтгача Тўти Юсупова, Зулайхо Бойхонова, Яйра Абдуллаева каби санъаткорлар маҳорат билан ижро этишган. Биласизми, сизнинг қиёфасиз таниқли мусаввир Чингиз Аҳмаров яратган "Нодира" портретига жуда ўхшайди. Буни кўплаб муҳлисларингиз ҳам эътироф этишган.

Тасвирга олиш ишларини бошлашдан аввал Кўкон шаҳрида Нодиранинг, Марғилонда Увайсийнинг қабрини зиёрат қилдик. Ҳар бир деталда ўша давр хусусиятларини беришга астойдил ҳаракат қилинди.

Бундан илгари ҳам тажрибали режиссёр Максуд Юнусовнинг уч қисмли "Нодира ва Увайсий" мусиқали видеофильмида рол ижро этгандим. Кейин олти қисмли "Жаҳон Отин Увайсий" видеофильмида иштирок этдим. Миллий театрда саҳналаштирилган "Увайсий" спектаклида ҳам малика образини менга ишониб топширишди. Хуллас, Нодирабегим сиймосини уч қарра талқин қилиш насиб этди.

— Ана шу талқинлардан, хусусан, видеофильмдаги ижродан кўнглингиз тўлдими? — Нодирабегимни охиригача кашф



— Йўқ, видеофильми айнан давом эттиришнинг илоҳи йўқ. Чунки у даврдаги либослар ва декорацияларни тиклаш анча мушкул. Қолаверса, таниқли актёр, филмда вазири аъзам ролини қўйиллаб ижро этган Файзулла Аҳмедов ҳозир орамизда йўқ. Фақат бир нарсага умид қилсак арзийди. Бугун халқимиз севган театр асарлари устида иш олиб бориляпти. Қани энди бирор театрдан Нодирабегим ҳақидаги спектакл қайта саҳналаштирилса ва шу образини яна бир мартаба юракдан ижро этсам...

— Раъно опа, бу ролга қадар Нодира газалларини ўқигансиз, ўргангансиз. Шоира газалларидаги ҳиссиётлар сизга қай даражада таниш? Ўз руҳиятигизни Нодира сиймоси билан қанчалар ақин, деб биласиз?

— Нодира шеъриятда ишқ-муҳаббат мавзуси етакчи ўрин тутади. Уларда пок ва самимий муҳаббат, вафо ва вафодорлик гоилари тараннум этилади. Айни пайтда унинг шеърларида ижтимоий мотивлар ҳам кўзга ташланади. Шоиранинг шеърларида ор-номус, ҳиммат, сабр-қаноат, ростгўйлик сингари инсоний фазилатлар мадҳ этилади. Унинг шеъри газаллари бугун ҳам ёшларимизнинг маърифий, маданий, адабий-эстетик тарбияси учун хизмат қилиб келмоқда.

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт, Жаҳондиз кеч, ҳаёли васли ёр эт. Мухаббатсиз киши одам эмасдур, Гар оламсан, муҳаббат ихтиёр эт. ...Куйиб, эй Нодира, олам элига Мухаббат шевасини ошкор эт. Еки яна бир газалида: Кел, ишқ йўлида кўзларингни, Эй Нодира, дурфшон этиб кет — деб ёзади шоира. Шу газаллардан таъсирланиб, мен ҳам ушбу сатрларни қоралаган эканман ўша пайтлари:

Агар билсанг, бу дунёда яшаб бўлмас муҳаббатсиз, Магар юз йил умр кўрсанг, яшаб бўлмас муҳаббатсиз. Аслида инсонга умрида тасалли бергучи туйғу муҳаббатдир. Нодирабегимнинг ёрга ва Яратганга, ақинларига беҳад муҳаббати умрининг сўнгига қадар унга паноҳ бўлди. Муҳаббат тўғрисида Моҳларойим жасорат билан ўлимга тик боқди. Унинг бу жасорати ҳар бир авлод учун сабоқ ва ибратдир.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ суҳбатлашди. Фарғона вилояти

Кўргазма залларида

хос ҳуштак-ўйинчоқлар намойиш этилган. Бу бежирим буюмлар болаларнинг дунёқарашини, тасаввурини бойитишга ҳам хизмат қилади. Улар орасида ҳайвонлар, эртак қахрамонлар, фантастик жонзотлар шаклидаги ҳуштак-ўйинчоқларни ҳам учратиш мумкин. Кўргазма доирасида маҳорат дарслари ҳам ўтказилди.

С.КОСИМОВА

УСТОЗЛАР ЁДИ

бўй Абдирайимовнинг хотирасига бағишланган тадбир ўтказилди. Таъбирни Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири П.Айтмурадов очди. Сўзга чиққанлар устоз ижодкорнинг қорақалпоқ санъати ривожига қўшган ҳиссасини таъкидлаб ўтишди.

— Қ.Абдирайимов қорақалпоқ театрининг биринчи профессионал режиссёри, Т.Аланазаровдан кейинги устоз ижодкорлардан эди, — деди Қорақалпоғистон халқ артисти З.Саипова. — Институтни тугатиб келганида у менга "Ерназар Олақуз" спектаклида Румор она ролини топишди. Рол устида ишлаш жараёнида бу истеъодли ижодкорнинг ўзига хос услубига ғувоҳ бўлидим. Унинг актёрларга эркинлик бериши, зарурат туғилганда уларни психологик жиҳатдан тайёрлаши асар муваффақиятини таъминларди. Машҳур "Танка" комедиясида оддий инсонларга ёрдам қилини чўзалиган ижодкор образини ижро этган устоз санъаткор ҳақиқий ҳаётда ҳам шундай яшайди.

Таъбир давомида Қ.Абдирайимов саҳналаштирган спектакллардан лавҳалар, таниқли кўшиқчилар ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

"Мақомчилар ансамбли" ижросида магнит тасмаларига ва грампластинкаларга ёзиб олинган.

Мақом туркумларида ташқари "Ушшоқ" пардаси ва куй андозаси асосида созанда ва ҳофиз бастакорлар томонидан ўшак назира ("Самарқанд Ушшоғи", "Кўкон Ушшоғи", "Тошкент Ушшоғи" ва б.) намуналари ижодий ишланган. Хусусан, Ҳожи Абдуллазиз Расуловнинг "Самарқанд Ушшоғи" (Зебунисо газали)да Ушшоқ куйи Уззол куйига улашиб келса, Мулла Тўйчи Тошмухаммедов назираси "Тошкент Ушшоғи" (Навий газали) бевосита Ушшоқ парда-оҳангларига таянади. Содиҳрон Бобшариповнинг "Содиҳрон Ушшоғи" (Жомий газали) эса катта ашула таъ-

"УШШОҚ" ЗИКРИДА

сири ўлароқ кўққисдан авж пардаларни "забт" этиш билан бошланади. Ҳар бири бетакор бадий кийматли мақом асарлар ҳофизлик санъатининг алоҳида мактабларини намойён этади.

"Ушшоқ"лар ҳақида сўз кетганда ардоқли ҳофиз-бастакор Фаттоҳон Мамадалиев хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Айнан сеvimли санъаткоримизнинг саъй-ҳаракатлари ўлароқ қарийб унутилаёзган "Қадимги Ушшоқ" (Фурқат шеъри), "Умурзоқ Полвон Ушшоғи" ва "Зикри Ушшоқ" (Гавҳарий сўзи) ашула йўллари қайта тикланди. Бу асарларнинг ҳар бири халқ ҳофизлари Маҳмуд Йўлдошев, Фаттоҳон Мамадалиев ва Маҳмуд Тожибоевнинг бетакор хоншилари билан мусиқий ҳазинамиздан муносиб ўрин олди. Шунингдек, Ф.Мамадалиев Фарғона-Тошкент мақом аънаналарини давом эттириб, "Қашқарча Ушшоқ" негизинда "Ушшоқнинг Савет, Тақинча, Соқийнома ва Уфар қисмларини ҳам яратдики, натижада янги бир салобатли туркум юзага келди.

"Ушшоқ"нинг дилтортар оҳанглари Ўзбекистон композиторлари эътиборини ҳам ўзига жалб этиб келган. Бу ҳол, айниқса, мусиқали драма ва опера жанрларида (Р.Глизер, Т.Содиқов — "Лайли ва Мажнун", В. Успенский, Ю. Ражабий — "Фарҳод ва Ширин", М.Ашрафий — "Дилором", М.Бафоев — "Севгим самоси" ва б.) кўп қузатилади. Манас Левиеннинг "Урик гуллаганда" (Ҳамид Олимжон шеъри) ашуласи аллақачон халқимизнинг сеvimли таронасига айланган.

Маҳмуд Тожибоев назира аънаналарига риоя қилган ҳолда "Сараҳбори Ушшоқ" ва унинг таронасини ижод қилди ҳамда ўзи устозлик қилган хонандлар ансамбли ижросида муҳлисларга тақдим этди. Матрасул Матёқубов "Танбур чизиги" асосида мақом чертим йўлларида кўна "Мухаммаси Ушшоқ"ни қайта тиклаб, ўзи раҳбарлик қилаётган созандалар ансамбли ижросида "жондантиришга" муваффақ бўлди. Бинобарин, илдиэлари жуда қадимий "Ушшоқ" парда-оҳангларидаги навқиронлик фасли давом этмоқда.

Оқилжон ИБРОХИМОВ, санъатшунослик фанлари доктори

ЯНГИ САНЪАТ КОШОНАСИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳудудий бўлимлари фаолияти кенгайиб бормоқда. Сўнгги йилларда вилоятларда янги намойиш залларини ташкил этиш, ижодкорларни устахоналар билан таъминлаш, кўча кўргазмалар, таниқли рассомлар иштирокида ижодий учрашув ва маҳорат дарслари ўтказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Буни яқинда Наманган шаҳрида ташкил этилган Тасвирий санъат галереяси мисолида ҳам қўриш мумкин.

Муборак бўлсин

Шаҳар марказидаги тарихий бинода жойлашган галереянинг очилиш маросими ижодкорлар, санъат ихлосмандлари учун қувончли воқеага айланди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Бадий академия раиси Акмал Нуриддинов сўзга чиқиб, янги санъат кошонасининг ижодий ва ижтимоий аҳамиятини, тарихий бинони таъмирлаш ишлари аъло даражада бажарилганини таъкидлаб ўтишди.

— Мазкур санъат маскани вилоят аҳли, айниқса, ёшлар учун ажойиб тўхфа бўлди, — деди Бадий ижодкорлар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари Комилжон Қамбаров. — Бу ерда ёш мўйқалам сохиблари ўз салоҳиятини тўла намойиш этиши учун барча шароитлар мавжуд. Галерея рассомларнинг илк кўргазмалари, танлов ва фестиваллар ўтказиладиган ижодий марказга айланишига умид қиламиз.

Тасвирий санъат галереясининг очилиши муносабати билан кўргазма ҳам ташкил этилди. Унда наманганлик таниқли рассомларнинг олтидан ортиқ рангтасвир ва ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилди.

Саидабор УМАРОВ

ТУШИМГА БИР БУЛБУЛ КИРМИШ...

Миллий мумтоз мусиқамиз тарихида ўчмас из қолдирган устоз санъаткор, Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов меросини жаҳоирларга тўла денгиз тубига қўйиш мумкин. Ҳар сафар бу ижод умми билан ошно бўларканмиз, эл севган ҳофизни янгида кашф этамиз. Яқинда "Ноширлик ёғлуци" нашриётида chop этилган "Жаҳоннинг маҳлуи айланган навозанда" китоби ҳам айнан шу жиҳатлари билан эътиборлидир.

Қуронбой Исмоилов тайёрлаган бу китобда буюк санъаткор ҳақида замонадошлари, ижодкор ва муҳлисларнинг хотирлари, фикр-мулоҳазалари жамланган. Улар билан танишарканмиз, кўз ўнгимизда машҳур ҳофизнинг ёрқин сиймоси, у яшаган давр жонлангандек бўлади. "Меҳрим тушган санъаткор", "Душнда булбул кўрган", "Ҳаёти айланиб қолди қўшиққа", "Сўздан дур, мусиқадан шараф топган ҳофиз" сингари мақола, эссе ва дил сўзларида ижодкор ҳаётига оид қизиқарли, ибратомуз воқеалар баён этилган.

Муаллифлар санъаткорнинг ижодий фаолияти билан бирга, ўзига хос шахсияти, инсоний фазилатларига ҳам назар солишади. Айниқса, у туғилиб ўсган Хоразм дёбири билан боғлиқ қизиқарли хотиралар, дўстлари ва шогирдлари даврида кечган самимий мулоқотлар ўқувчилар эътиборини тортиши аниқ. Китобга эътиборини ижросидаги машҳур қўшиқ ва ашулаларнинг шеърий матралари, ўз қаламига мансуб асарлар ҳам киритилган. Шунингдек, ноёб фотосуратлар ҳам жой олганки, улар санъаткор яшаган давр, замонадошлари ҳақида ёрқин тасаввур беради. Мамлакатимизда Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда ушбу китобнинг chop этилгани мумтоз мусиқа ихлосмандлари учун яхши совға бўлди.

Янги нашр

Муаллифлар санъаткорнинг ижодий фаолияти билан бирга, ўзига хос шахсияти, инсоний фазилатларига ҳам назар солишади. Айниқса, у туғилиб ўсган Хоразм дёбири билан боғлиқ қизиқарли хотиралар, дўстлари ва шогирдлари даврида кечган самимий мулоқотлар ўқувчилар эътиборини тортиши аниқ. Китобга эътиборини ижросидаги машҳур қўшиқ ва ашулаларнинг шеърий матралари, ўз қаламига мансуб асарлар ҳам киритилган. Шунингдек, ноёб фотосуратлар ҳам жой олганки, улар санъаткор яшаган давр, замонадошлари ҳақида ёрқин тасаввур беради. Мамлакатимизда Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда ушбу китобнинг chop этилгани мумтоз мусиқа ихлосмандлари учун яхши совға бўлди.

Ч.ЕЛМУРАДОВ

Юсуф ХАЙРУЛЛАЕВ

БОЛАЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ

Пойтахтимиздаги музей ва галереяларда Халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишланган ижодий кўргазмалар очилди. Халқаро маданият карвон саройида давом этаётган "Биз бахтли болалармиз!" деб номланган кўргазмада Яққасарой тумани "Баркамол авлод" болалар маркази аъзоларининг ижодий ишлари намойиш этилган.

Кўргазмадан ўрин олган бир юз ўттиздан зиёд расмларда Ватанга муҳаббат, она табиати асраб-авайлаш, дўстлик сингари мавзулар ёрқин рангларда тасвирланган. Шунингдек, кўргазмадан ёш кулоллар ясаган буюмлар, ҳайкалчалар ҳам ўрин олган.

Бундай кўргазмалар болаларнинг бўш вақтини самарали ўтказишга ёрдам беради, тасвирий санъатга қизиқшини оширади.

Амалий санъат музейида "Ҳуштаклар болалар дунёсида" номли кўргазма очилди. Миллий кулчиликнинг қадимий намуналаридан бири сифатида қадрланиб келинаётган ҳуштак-ўйинчоқларга бағишланган ушбу намойиш ёш санъат ихлосмандларини қизиқтириши табиий.

Кўргазмада, асосан, Фиждувон ва Самарқанд кулчилик мактабларига



С.КОСИМОВА





Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги Ислон Ота жомеъ масжиди. Анвар САМАДХОЖИЕВ олган сурат.

САХОВАТ ОЙИ

Мана, файз ва барака, раҳмат ва мағфират ойи бўлган Рамазон кунларига ҳам етиб келдик. Бу ойда кўплаб эзгу амаллар бажарилади. Жумладан, меҳр-мурувват, хайр-саховат ишлари янада авж олади. Кишилар ушбу муқаддас кунларда бошқа ойлардагига қараганда саховатпешаликни кўпроқ намойиш қилиб, бева-бечоралар, мискин ва камбағаллар ҳолидан хабар олишади. Қайси юртда кўнгли кемтик инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга мурувват кўрсатилар экан, жамиятнинг тинчлиги бардавом бўлади, иқтисоди ва бошқа соҳалари ривож топади.

Рамазондаги хайр-саховат ишлари турли кўри-нишларда амалга оширилиши мумкин. Масалан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам қилинади, қаровсиз қолганлар, хусусан, боқувчисини йўқотган оилалар, бемор ва қариялар ҳолидан хабар олинади. Ёки ҳамюртларга қулайлик яратиш мақсадида кўчаларни асфалт қилиш, кўприк ва бинолар қуриш, қайта таъмирлаш ишлари ҳам саховатпеша инсонлар томонидан амалга оширилади. Бу ишлар йил бўйи қилинган яхши. Аммо муборак Рамазон ойида бундай эзгу амалларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Яқинда Юртбошимиз томонидан "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарор эълон қилинди. Унда асрлар давомида саховат ва меҳр-шафқат, қаноат ҳамда шукроналик рамзи сифатида нишонланиб келинаётган муборак Рамазон ойининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилиши алоҳида таъкидланган.

Айнан шундай улуг айёмлар сабаб миллий-диний қадриятларимиз асраб-авайлаб келинмоқда. Ёш авлодни миллий анъана ва урф-одатларимизни қадрлаш ҳамда Ватанга садоқатли бўлиш руҳида тарбиялаш тарғиб этилмоқда. Айни пайтда, жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг вилоятлардаги вакилликлари, барча ҳамюртларимиз билан

ҳамкорликда ушбу муборак ойда хайрия ишларини янада кучайтириш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, маҳалла ва хонадонлардаги меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Бу йилги Рамазон ойимиз яна шу билан шарафлики, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йилида юртимизда барча мўмин-мусулмонлар манфаатини қадрлаш, улар билан чин дилдан мулоқот қилиш, хонадонларда аҳиллик, тотувлик, фаровонлигу фароғат қарор топиши учун тинмай ҳаракат қилинмоқда. Турмушимизнинг фаровон бўлиши, ҳамюртларимиз ўртасида меҳр-оқибат, тотувлик, ўзаро ҳурматнинг барқарорлиги, ёш авлодга гўзал тарбия бериш каби омиларнинг рўёбга чиқиши эса ҳаммамизга боғлиқ. Дуолар қабул бўладиган, яхши амалларнинг савоби зиёда қилиб бериладиган муборак ой — Рамазон барчамизга муборак бўлсин! Аллоҳ таоло юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни бардавом қилсин.

Одилхон қори ЮНУСХОН ўғли,
Шайхонтоҳур тумани бош имом-хатиби

Қадриятларимиз

Жаҳон болалар шеърятидан

БОҒЛАР — ЯМ-ЯШИЛ ЧАМАЧ

Халфдан РАССМУССЕН (Дания)
ТОШБАҚАНИНГ ТУНГИ ҲИЛЛАРИ
Майсазорда тошбақа,
Ётар мисли тошдақа.
Бошни хиёл буралади,
Шундай хаёл суралади:
Бунчалар қисмат тахир,
Ер заранг ва тап-тахир!

Шэл СИЛВЕРСТАЙН (АҚШ)
НҲҲАТПОЛВОН
Агар бўлсам жимитдай,
Шабнамга чўмилирдим.
Хонқизини минволиб,
Тўрт томонга елардим.
Эшик тирқиши менга
Бўлар эди катта йўл.
Пашша баҳайбат бургут,
Липочка бепоён кўл.
Агар жимитдай бўлсам,
Онамни кучоқласдим.
Кучукваччадан кўрқиб,
Кутулиб қочолмасдим.
Конфет тутқазса холам,
Йил бўйи ялар эдим.

«КЕКСАЛИК ГАШТИ»

Президентимизнинг "Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида биноан таъсис этилган ижтимоий, маънавий-маърифий, алабий-бадиий, безакли "Кексалик гашти" журналининг илк сони "Хотира ва Қадрлаш кўни" арасида нашрдан чиқди. Журналнинг илк саҳифаларида "Нуроний" жамғармаси Бошқаруви раиси Шуҳрат Жалилов фармонда белгиланган тадбирларни амалга ошириш режалари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, журналда қадриятлар, урф-одатлар, бу-


Тақдимот

"ЭРКАТОЙ"

Республика Болалар кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзониёв болаларга бағишланган шеърлари жамланган "Эркатой" номида янги китоби тақдимоти бўлди.

Тақдирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Халқ шоири Анвар Обиджон, "Ешлик" журнали бош муҳаррири Нодир Жонузок, болалар шоири Дилшод Ражаб ва бошқалар шоирнинг болалар ва ўсмир ёшдаги ўқувчилар учун мўлжалланган китоби болалар адабиёти ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилгани, ундаги сўз ўйини ва самимий юморга бой шеърлар болаларга ҳар жиҳатдан манзур бўлишини таъкидлашди.

Тақдир якунида Иқбол Мирзо болаларга аталган шеърларидан ўқиди, китобсеварларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.



М.РАМАЗОНОВА

"АЛИФБЕ БАЙРАМИ"

Хол Мухаммад Хасан халқона оҳангларга эш бўлган шеър ва дostonлари, қасидалари билан муҳлислар назарига тушган. Шоирнинг "Охува", "Қадимий кўшик", "Сулувлардан сулуван", "Ул кун устоз дедилар..." каби шеърӣ тўпламларидаги битикларда, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим эътироф этганидек, "дашт хиди анқийди, каврак иси, қоқигул иси ўқувчини сармаст этади, қулқларимизга дўмбиранинг мунгли-мунгли саси, чанқовуз фарёди эшитилади...". У халқ тилини, халқона оҳангларни, устозлар босиб ўтган йўллари пухта эгаллаган қамрови кенг ижодкор. Шоирнинг поэтик манзара яратиш санъати ҳам ўзига хос: халқ диҳилилари каби ўхшатишу қиёслаш, сифатлашу мензалмаларни маржондай тизиб, замин фарзандлари руҳиятини ёрқин ифода этади, китобхонга завқ бағишлайди.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи яқинда Хол Мухаммад Хасаннинг жажжи китобхонлар учун мўлжалланган "Alifbe bayrami" тўпламинини чоп этади. Китобдаги шеърлар алифбоддаги ҳарфлар кетма-кетлигида тартибланган, рангли суратлар билан безатилган.

Кушлар, хайвонлар, мевалар тилидан айрилган шеърларда болаларга хос соддалик ва самимият бор. Юморга бой, ибратли хулоса билан яқунланувчи шеърлардан иборат ранги-безакли нашр алифбе байрамида устозларга ҳам, болаларга ҳам қўл келиши шубҳасиз.

Мафтуна МАҲҚАМОВА

Янги нашрлар



"ЎЗБЕККОНЦЕРТ" ДАВЛАТ МУАССАСАСИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ватанпарварлик ғоялари, халқимизнинг олийжаноб фазилатлари, она диёримизнинг бетакрор ва мафтункор табиати, аждоқларимизнинг асрий эзгу қадриятлари, баркамол авлод бахтини тараннум этадиган янги шеър ва қўшиқлар матнини қабул қилади.

Ижодий ишлар муассасанинг репертуар бўлимига топширилиши лозим.

Манзил: Навоий кўчаси 2 уй ("Туркистон" санъат саройи).
Телефонлар: 234-24-28; 234-50-99.

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 2017 йил 5-17 июнь кунлари "Талаба-ёшлар ижодиёти" кўрик-фестивали ўтказилади.

Институтида таълим олиш нияти бўлган ёшлар фестивал доирасида ўтадиган "Очиқ эшиклар кўни"да иштирок этиб, малакали профессор-ўқитувчилар, ўқув лабораториялари, амалий дарс машғулотлари ҳамда ўқув театри фаолияти билан бевосита танишиш имкониятига эга бўладилар.

Фестивалга абитурientлар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари, уларнинг ота-оналари ҳамда барча қизиқувчиларни таклиф этамиз.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-А уй,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти.
Телефон: 230-28-03. Факс: 230-28-15

Зояр ТУРСУНОВ

МУАССИС:
ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Манзилимииз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Тақдид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир
Сирожиҳдин САЙИД

Тахриратга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Жўрабек ЖАҲОН
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 20.55

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 5510. Буюртма Г — 682. Ҳажми — 3 босма табақ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

